

ТАСДИҚЛАЙМАН:

«Дехқонобод калий заводи» АЖ
Бошқарув раисининг Логистика ва
транспорт буйича ўринбосари



Б.Жонқўзиев
2022й.

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти
2022 йил иккинчи чорак ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун
автотранспортда юк ташиш хизматларини кўрсатувчи
ташкилотни танлаш бўйича

Техник топширик

Дехқонобод – 2022 й.

МУНДАРИЖА:

- 1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ
- 2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)
- 3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)
- 4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)
- 5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ
- 6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
- 7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)
- 8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
- 9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР
- 10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР
- 11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ
- 12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

1 БҮЛİM. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ

«Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – буюртмачи) 2022 йил иккинчи чорак ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун зарур бўладиган хом ашё – сильвинит рудасини шартнома автотранспорт воситалари ёрдамида ташиш ва қайта ишлаш мажмуасидан тоғ-кон мажмуасига галитли қолдиқни (хвост тузини) ташиш хизматини кўрсатиш. Умумий ташиладиган юклар ҳажми 506250 тоннани (сильвинит 281 250 тн, галитли қолдик, хвост тузи 225 000 тн) ташкил қиласди.

2 БҮЛİM. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Хизмат кўрсатувчи буюртмачига тоғ-кон мажмуасидан қайта ишлаш мажмуасига сильвинит рудасини ва қайта ишлаш мажмуасидан тоғ-кон мажмуасига галитли қолдиқни (хвост тузини) ташиш хизматини кўрсатади.

Хизматни кўрсатувчи томонидан ушбу техник топширикда кўрсатилган ишларни бажаришга жалб қилинадиган автотранспорт воситаларининг умумий сони 25 тадан кам ва юк кўтариш қобилияти 25 тоннадан кам бўлмаслиги зарур.

Эслатма: Буюртмачи жойлашган манзил ва кўрсатиладиган хизматларнинг мураккаблигидан ва ишлаб чиқариш ҳажмидан келиб чиқиб, мазкур техник топширикда кўрсатилган хизматларни бажариш учун бир неча хизмат кўрсатувчи ташкилот жалб қилиниши мумкин.

3 БҮЛİM. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)

Юк ташиш ўртача оралиқ масофаси – 42 км.

Иш режими – узлуксиз.

Суткасига ташилиши лозим бўлган юк ҳажмлари: 3125 тонна сильвинит рудаси ва 2500 тонна хвост тузи (галитли қолдик).

Хизмат кўрсатувчи ташкилот автотранспорт воситалари жамиятнинг назорат-үтиш жойларидан ўтиши шарт.

Ташилаётган юкларнинг микдори буюртмачининг қайта ишлаш мажмуасида ўрнатилган автотранспорт тарозисидан ўтиши зарур.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотга автотранспорт воситаларини, уларнинг эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмларини сақлаш ҳамда автотранспорт воситаларига зарурий техник хизматларни кўрсатиш учун жой ажратилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳайдовчилари учун йўл варакалари буюртмачининг автотранспорт цехи навбатчи диспетчерлари томонидан уларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва автотранспорт воситасининг йўналишга чиқишига яроқлилиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда берилади.

4 БҮЛİM. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Руда ва қолдик маҳсулотни ташиб бериш хизматлари Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида жойлашган «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг манзили бўйича кўрсатилади.

5 БҮЛİM. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Хизмат нархи юк автомашиналарига дизель ёқилғиси буюртмачи томонидан таъминланиши, жорий ва оралиқ таъмирлаш хизматлари, ҳайдовчиларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлар эса хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қопланиши инобатга олинган ҳолда бир тонна юкни ташиш қиймати 2022 йил бизнесни ривожлантириш кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади.

6 БҮЛİM. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЖБУРИЯТ ВА ТАЛАБЛАР

Иштирокчи белгиланган суткалик иш ҳажмини сўзсиз бажариш шарт.

Руда ташишга жалб қилинган автотранспорт воситалари ишларни бажариш давомида юкларни ёпиш воситалари билан жиҳозланган бўлиши талаб этилади.

Руда ташишга жалб қилинадиган автотранспорт воситаларининг ёқилғи сарфи меъёри ўрнатилган тартибда тегишли ваколатли органлар билан келишилган ва тасдиқланган бўлиши шарт.

Жалб қилинган барча автотранспорт воситаларига GPS-навигатор (GPS-трекер ва ёқилғи датчиги) тизими ўрнатилган бўлиши ҳамда бу тизим орқали барча зарурӣ маълумотларни буюртмачи он-лайн (on-line) режимида олиши учун хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан буюртмачига имконият яратиб берилиши шарт.

Барча автотранспорт воситалари, ёнгинга қариши ускуналар билан ва биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечка билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Руда ва қолдик маҳсулотни ташиб бериш хизматини амалга оширувчи ташкилот юк ташиш хизматларини амалга ошириш бўйича ваколатли органларнинг рухсатномаси ва/ёки лицензиясига эга бўлиши шарт.

Руда ва қолдик маҳсулотни ташиб беришга жалб қиласиган автотранспорт воситалари техник жиҳатдан соз бўлиши, юкларнинг шу турини ташишга мос келиши, санитария, ҳаракат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси коида талабларига тўлиқ жавоб беришиши зарур.

Ҳар бир автотранспорт воситасига тегишли малака ва тажрибага эга бўлган камида 2 тадан ҳайдовчилар бириктирилган бўлиши шарт.

Руда ва қолдик маҳсулотни ташиб бериш хизматини амалга ошириш бўйича жамият ва шу хизматни амалга оширувчи ташкилот ўртасида

тузилган шартнома амал қилиб турган даврда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳайдовчилари ҳар қунлик иш фаолиятини бошлишидан олдин ўрнатилган тартибда жамиятнинг тегишли биносида жойлашган тиббий хизматнинг тиббий кўригидан ўтиши зарур.

7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)

Хизматни кўрсатиш муддати – шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) ойни ташкил қиласди.

Руда ва қолдиқ маҳсулотни ташиб бериш хизмати буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзолангандан кейин юк ташиш ишларини бажариш амалга оширилади.

8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Руда ва галитли қолдиқни ташиб бериш хизмати кўрсатган ташкилот кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи сана сигача ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун буюртмачига тақдим қиласди.

Юкларни ташилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар буюртмачи томонидан тақдим қилинган юк хатлари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси ва бошқа юк ташиш хужжатлари ҳисобланади.

Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома буюртмачининг қайта ишлаш мажмуасидаги автотарози ва бошқа қайд қилинадиган журналлардаги маълумотлар билан солиширилганидан кейин буюртмачининг тегишли мутахассислари томонидан имзоланади.

Ҳисобот даври бўйича давлат буюртмачиси ва ишларни (хизматларни) кўрсатувчи ташкилот раҳбарияти томонидан далолатнома расмийлаштирилиб имзолангандан сўнг ишлар тўлиқ бажарилган ҳисобланади ва тўлов учун ҳисоб-фактура ёзилади.

9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Руда ва қолдиқ маҳсулотни ташиб бериш хизматини амалга ошириш бўйича буюртмачи ва шу хизматни амалга оширувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома амал қилиб турган даврда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳайдовчилари томонидан доимий равишда бир сутка давомида камида 5 рейс руда ташиб келтириши ва шунга мос равишда 80% дан кам бўлмаган миқдорда галитли қолдиқни ташиб кетиши зарур.

Автотранспорт воситасига юкланган руда ва галитли қолдик тегишли манзилигача түлиқ ва сифатли етказиб берилиши зарур.

10 БҮЛІМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КҮРСАТИШГА ҚҰЙИЛАДИГАН ҚҰШИМЧА ТАЛАБЛАР

Руда ва галитли қолдикни ташишга жалб қилинган автотранспорт воситалари тезкор бошқарув бүйича буюртмачи томонидан масъул деб белгиланган жавобгар шахснинг күрсатмаларига амал қилиши зарур.

Хизмат күрсатувчи ташкилот ўзи жалб қилған автотранспорт воситаларининг түлиқ техник бутлигини таъминлаши, юзага келган ҳар қандай нұксонларни ўз ҳисобидан қисқа муддатда бартараф этиши учун зарурий эхтиёт ва бутловчи қисмларнинг минимал захирасини яратиши зарур.

Руда ва галитли қолдикни ташиш хизмати тоғли шароитдаги йўлларда амалга оширилади.Хизмат күрсатувчи ташкилотда зарурий рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаганлиги учун жавобгарлик хизмат күрсатувчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Хизмат күрсатувчи ташкилот автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари сменани алмашиш графига амал қилишлари ва бу вақтда режасиз тўхталишларга йўл қўймасликлари зарур.

Жалб қилинган ҳар бир автотранспорт воситаси бир суткада камида 5 (беш) рейс руда ташиб келтириши ҳамда шунга мутаносиб равишдаги галитли қолдикни ташиши зарур.

Тоғ-кон мажмуасидан қайта ишлаш мажмуасига руда ташиб келтирган автотранспорт воситаси ташиб келган рудасининг микдорига нисбатан камида 80 фоиз микдоридаги галитли қолдикни қайта ишлаш мажмуасидан тоғ-кон мажмуасига ташиб кетиши зарур.

Хизмат күрсатувчи ташкилот томонидан жалб қилинган автотранспорт воситасида техник носозлик қузатилганда ва бу носозликни 12 (үн икки) соат ичida тузатишнинг имкони бўлмаган тақдирда хизмат күрсатувчи ташкилот бу транспорт воситасининг ўрнига бошқа транспорт воситасини ажратиши зарур.

Хизмат күрсатувчининг айби билан буюртмачининг ишлаб чиқариш жараёнида тўхталиш қузатилганда ёки хизмат күрсатувчи ташкилот ўзига юклатилган вазифаларни етарлича бажармагандан икки томонлама тузилган ва тасдиқланган юк ташиш шартномаси умумий суммасининг 20% гача бўлган микдорида хизмат күрсатувчи ташкилотга жарима қўлланилади. Шу билан бир вақтда хизмат күрсатувчи ташкилот билан тузилган шартномани буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиш кўриб чиқилади.

Ушбу техник топширикда кўрсатилган ишларни бажариши (хизматларни күрсатиши) мумкин бўлган потенциал ташкилотларга мазкур ишларни бажариш бўйича танлов бошлангунига қадар буюртмачининг объектларига ташриф буюриши, иш ҳажми ва ишларни бажариш шарт-шароитлари билан жойида танишиши учун имконият яратиб берилади.

11 БҮЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РҮЙХАТИ

T/p	Қисқартма	Қисқартманинг түлиқ ёйилмаси
-	-	-

12 БҮЛИМ. ИЛОВАЛАР РҮЙХАТИ

T/p	Илова номланиши	Вараклар сони
1	Жамият тоғ-кон ва қайта ишлаш мажмуалари орасидаги йўлнинг чизмаси	1
2	Сильвинит рудасининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	1
3	Қолдик маҳсулотнинг (натрий хлорид) физик-кимёвий кўрсаткичлари	1

Ишлаб чиқди:


Логистика бўлими бошлиғи



З.Норсафаров.

Келишилди:

СР ва БР бўлим бошлиғи



С.Холтўраев

Логистика бўлими иқтисодчиси:



К.Жумбашев